



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 67 (9563).

1989 йил 6 апрель • пайшанба •

Баҳоси 3 тийин.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 апрель куни Москвадаги Союзлар уйида СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Территориал, миллий-территориал округлардан ва жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловининг якунлари чиқарилади. Комиссия раиси В. П. Орлов шу масала ҳусусида ахборот берди.

Мажлисида қайд этилганидек, совет халқи партиянинг қайта қуришга қаратилган сиёсий йўлини зўр куч билан қўллаб-қувватлаганилиги бўлиб ўтган сайловнинг асосий якунлари. Совет халқи мамлакатимизни демократик ривожлантиришнинг ян-

ги босқичида ноёб сиёсий тажриба ортирди. Сайлов жамият турмушининг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларини янгилаш билан бир қаторда ўзининг мислсизлиги, омманинг сиёсий активлиги низоида кенг қулоч ёзганлиги жиҳатидан қайта қуришнинг бутун қиёфасини узвий равишда тўлдирди, уни олға силжитди.

СССР халқ депутатлари сайлови сайлов комиссияларининг, партия, совет, касба союз, комсомол ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, жамоатчиликнинг гоят катта сиёсий ишларида яқун ясаб, социалистик демократия, халқ ҳокимияти Совет системаси замирида қарорларни, манфа-

атларни, ёндашувларни ифода этиш учун қандай катта имкониятлар мавжудлигини яна бир бор тасдиқлади. Сайлов кампанияси чоғидаги танқидий кайфият мана шу бурилиш босқичида партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган эди. Ўз миқёси, жамият барча қатламларидаги кенг омманинг фаоллиги даражаси жиҳатидан, ҳал этилаётган муаммоларнинг янгилиги ва мураккаблиги жиҳатидан мамлакатимиз тарихида шу кампанияга тенг келадиган кампания бўлмаган эди, деб таъкидланди мажлисида.

Сайлов кампанияси иқтисодий кучларни жишлантиришга, жамоат ташкилотларининг ма-

ҳаллий ва марказий органлар ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашди, жамоат ташкилотларининг обрў-этиборини оширишга имкон берди.

Партиянинг сиёсий системани ислох қилишга, иқтисодий турмушни чуқур демократиялашга қаратилган йўлига ҳали яқингинада тасаввур қилиш мушкул бўлган нарсаларни рўйга чиқарди.

Марказий сайлов комиссияси тегишли сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, 1989 йилнинг 26 мартида Территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан сайланган 1225 нафар СССР халқ депутатлари ва жамоат

ташкилотларидан сайланган 732 нафар СССР халқ депутатлари рўйхатга олди. Сайлов якунлари тўғрисида ахборот ва сайланган СССР халқ депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Комиссия мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Н. Ментешавили, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ТАСС).



Меҳнат илғорлари

Т. Каримов фотолари.



ҲАМЗА ҚАЛЪЛАРДА ЯШАМОҚДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришда, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда Ҳамза Ҳакимзода Нибзийнинг рўли бебаҳодир. Ажойиб сўз устаси ўзининг бутун ҳаёти билан ва энг аввало назми билан революцияга хизмат қилди. Ҳамзанинг истеъдоди кўп қиррали: у маърифатпарвар, машоққ, бастакор, драматург, педагог, янги дунё граждани бўлиб, ана шу янги дунёни қуришда ўзи иштирок этди ҳамда революцияга ишони унинг барча асарларидаги илҳом бахш этди.

Ҳамза ижодининг қайси бир қиррасига назар ташламайлик, у кўз олдимизда аввало жоннажон ўқининг гуллаб-яшнаши рус халқи билан дўстликка болглик эканлигини кўра билган буюк интернационалист сифатида намойён бўлади. Ҳозир, янгилаш ва қайта қуриш даврида ҳам Ҳамза ижоди ва иқтисодий фаолиятининг аҳамияти буюқдир. Унинг ўлмас асарлари замонавий руҳда ва актуал янграмоқда, улар жўшқин революцион давримизга Ҳамзодир.

Ҳамза Ҳакимзода Нибзий тутилган куннинг 100 йиллигини ўтказиш ташкилот комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гап борди.

Мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, юбилей комиссиясининг секретари Л. П. Қоюмов, республика Ёзувчилар союзи правленисининг бирин-

чи секретари О. Екубов, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмидинов, Фарғона област ижроия комитетининг раиси Х. Мажинов, Граждан авиацияси бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари А. М. Тарсуков мажлисида ахборот бердилар.

Юбилейга бағишланган тadbирлар Бутун Ўзбекистонда ўтказилиши таъкидланди. Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозғистонда озодлик куйиши, санъаткор, граждон, ватанпарвар шоирга зўр ҳурматни ифодаб, революция жорчисини юбилейни тантанали нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Бир қанча қардош республикаларда ҳозирнинг ўзидек адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, Ҳамзахонликлар ўтказилди. Чунонинг, Қозғистоннинг бир вақтлар шоир ўқитувчи бўлиб ишлаган Туркистон шаҳридаги мактаблардан бирида Ҳамзанинг жамоатчилик музейи учун материаллар тўпланмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари мазкур мактабга ҳужжатлар, фотосуратлар ва китобларнинг бир қисmini топишди.

Тошкент адабиётшунос олимлари группаси ёрдам бериш учун қозғистонда бир вақтлар боришга тайёргарлик кўрмоқда. Туркманистонда бир вақтлар бу ерга Ҳамза келган агитпоезд маршрути бўйлаб сафар қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Тожикистонда озодлик куйиши танланган асарлари тўплами нашр этилди, яқин кунларда Душанбеда

юбилейга бағишланган илмий-назарий конференция очилди. Комиссия Ўрта Осиё регионини барча республикаларга мактуб йўллаб, ана шу республикалар билан келишиб олингандек жамоатчиликни, ижодкор ва илмий зиёлилар вакиллари кенг жалб этиб, Ҳамза жойда бир қанча тadbирлар ўтказиш истагини билдириди.

Ҳамза кемаида июнь ойида ўтказилган тантаналар ҳақида гапириб берилди. Москвадаги Люблин ва Таганка районлари билан Тошкент шаҳрининг Ҳамза району ва Фарғона областидagi Ҳамза шаҳри ўртасида дўстона оталик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ахборот тингилди.

Мажлис қатнашчиларига шоирнинг ватани — Фарғона областида, хусусан Ҳамзаобод ва Қўқонда тайёргарлик ишлари қандай бораётганилиги ҳақида ахборот берилди. Қурилиш ва ободончиликда доир барча ишларни муддатда ва сифати тўғрисида зарурлиги уқтириб ўтилди.

Мажлисида асосий тантаналарни ўтказиш вақти аниқланди. Тошкентда 20 май кунин Навоий номида давлат академик катта театри биносида юбилей кечаси ўтказилди, унда барча иттифокдош республикалардан келган меҳмонлар қатнашдилар. Ўнгира тантаналар шоир ватанида давом этгани. Москвада Союзлар уйининг Колонна залда 24 май кунин ўтказилган тантанали кеча юбилейни байрам қилишнинг якунловчи тadbiri бўлади.

(ЎзТА).

1989 йилдаги СССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан ҳамда жамоат ташкилотлари сайлов комиссияларидан олинган СССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги протоколларни кўриб чиқиб қуйндагиларни хабар қилади:

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Сайлов округлари бўйича СССР халқ депутатларини сайлаш учун сайловчилар рўйхатига 192 575 165 киши киритилган эди, овоз беришда 172 840 130 киши ёки 89,8 проценти қатнашди. Иттифокдош республикаларда сайловчиларнинг РСФСРда — 87,0 проценти; Украина ССРда — 93,4 проценти; Беларуссия ССРда — 92,4 проценти; Ўзбекистон ССРда — 95,8 проценти; Қозғистон ССРда —

93,7 проценти; Грузия ССРда — 97,0 проценти; Озарбайжон ССРда — 98,5 проценти; Литва ССРда — 82,5 проценти; Молдавия ССРда — 90,5 проценти; Латвия ССРда — 86,9 проценти; Қирғизистон ССРда — 97,0 проценти; Тожикистон ССРда — 93,9 проценти; Арманистон ССРда — 71,9 проценти; Туркменистон ССРда — 96,1 проценти; Эстония ССРда — 87,1 проценти овоз беришда иштирок этди.

ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун мамлакат территориясида 750 территориал сайлов округи тузилган эди. Уларда депутатликка 1431 номзод овозга қўйилди. Бунда 196 округда сайлов бюллетенига биттадан номзод, 473 та округда — иккитадан номзод, 81 округда — учта ва ундан кўп номзод киритилган эди. 749 сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 590 округда халқ депутатлари сайланди. Иккитадан кўп номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 46 та округда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ қайтадан овоз бериш ўтказилиши, лозим.

Депутатликка 1—2 номзод овозга қўйилган 113 сайлов округида номзодлар сайловчиларнинг зарур миқдордаги овозини ололмадилар ва депутатликка сайланмадилар. Битта сайлов округида рўйхатга олинган сайловчиларнинг яримдан камроғи қатнашганлиги учун округ сайлов комиссияси сайлов ўтмаган деб ҳисоблади. Барча ана шу округларда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг 61-моддасига мувофиқ қайта сайлов ўтказилди. Депутат вафот этганлиги муносабати билан бир округда бўшаб қолган депутат ўрнига сайлов ўтказилди.

МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун барча иттифокдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар территорияларида 750 та миллий-территориал сайлов округлари тузилди. Уларда депутатликка 1419 номзод овозга қўйилди. Бунда 203 округда сайлов бюллетенига биттадан номзод, 479 округда — иккитадан номзод, 68 округда — учта ва ундан кўп номзод киритилган эди.

748 сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 636 округда халқ депутатлари сайланди. Иккитадан кўп номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 30 та округда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ қайтадан овоз бериш ўтказилди.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Умумиттифок органларига эга бўлган жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловида ана шу ташкилотларнинг съездларида, конференцияларида, уларнинг умумиттифок органлари пленумларида 750 депутатлик мандати учун 871 номзод овозга қўйилди. 732 киши депутат қилиб сайланди. Бешта жамоат ташкилотидан 18 та депутат сайланди. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 61-моддасига мувофиқ мазкур жамоат ташкилотларида қайта сайлов ўтказилди.

Ҳар бир жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги хабарлар матбуотда эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 57-моддасига мувофиқ сайлов округларидан ва жамоат ташкилотларидан сайланган барча СССР халқ депутатларини рўйхатга олди.

Ҳаммаси бўлиб 2250

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ.
1989 йил 4 апрель.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

4 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан республика пул муомаласи ва молиявий аҳолини соғломлаштириш масалаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Республика газети ва журналистика, телевидение ва радиоси вакиллари ҳузурида Ўзбекистон ССР Госбанкни правленисининг раиси Ш. Е. Екубов, республи-

ка Молия министри Н. И. Мамайтасев, Ўзбекистон ССР Давлат нархлар комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов сўзга чиқдилар. Улар йилнинг ахирини кўндал-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Матбуот конференцияси-ни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхў-жаев олиб борди.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИНИНГ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 апрель (ТАСС). Александр Волков, Сергей Крикун и Валерий Поляков «Мир» орбитал илмий-таъдқиқот комплекси ичиде режалантирилган ишларни давом эттирмоқдалар.

Комплекс қўқинидаги атмосферани физик харақтеристикаларини аниқлаш ва унинг аэродинамик қаршилигига баҳо бериш учун космонавтар бир туркум «Диаграмма» экспериментларини бажардилар. Шлюз камераси орқали штан-

гада очик космосга чиқариладиган магнит разрядда датчик ёрдамида зарур ўлчовлар ўтказилди. Ёрининг табиий ресурсларини таъдқиқ этиш, атраф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ қурулқини айрим участкаларини суратга олиш навабтади туркумни бажарилди.

Медицина контроли планига мувофиқ экипаж командири билан борт-инженер текширувдан ўтишди, бундан мақсад осийишталик шароитида юракнинг биоэлектрик активлигини аниқлашдан иборат эди.

Учши нормал ўтмоқда. Космонавтар ўларини яхши ҳис этмоқдалар.

Республикада рўй бераётган қайта қуриш жараёнлари, жамиятнинг демократиялашнинг чуқурлаётгани, фикрлар хилма-хиллиги ва ошқоралиқнинг ривожланётгани аҳоли, кенг қатламларнинг ҳаракати келтирилади. Меҳнатқилларнинг жамоатчилик фаолияти, бутун аҳолини активлаштириди. Кишилар кенг аҳоли оммаси иштироки билан болглик турли тadbирларни, шу жумладан, байрам тантаналарини, спорт мусобақаларини, манифестацияларини ва бошқа кўпбел одамлар қатнашадиган маданий-қўғилочар ва маърифий программаларини ўтказишга интиломоқдалар.

Айни пайтда аҳолиси кўп миллионли Тошкент шаҳри шароитларида бундай тadbирларни амалга ошириш уларни ўтказишнинг муайян даражада тартибга солиниши талаб қилимоқда. Аҳоли барча гуруҳлари ва қатламлари манифестацияларини қолдириб қолганлиги бундай тadbирларнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларидан интизомга қатъий риоя этилишини ва масъулият заруратини келтириб чиқармоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бундай шароитларда айрим ташаббускор гуруҳларнинг расмий рўхсат берилган ва обдон тайёргар-

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига

ТОШКЕНТНИНГ МАРКАЗИЙ МАЙДОНЛАРИ ВА КЎЧАЛАРИДА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

лик қўрилган тadbирлар билан бир вақтда марказий майдонлар ва кўчаларда рўхсат берилмаган турли оммавий тadbирлар ва йиғинларни уюштиришга интилаётганликларини буткул йўл қўйиб бўлмайдиган иш, деб ҳисоблайди. Бундай ҳоллардаги ташаббускорлик ҳақли равишда шаҳар аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Уларнинг нормалдам олишлари ва бўш вақтларини ўтказишлари ҳақдаги берилмоқда. Расмий маъмулар билан келишиб олинмай ўтказилган оммавий тadbирлар, маълумки, шаҳар марказида шаҳар хизматлари фаолиятининг нормал маромини бузмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари анчагина кучларини ўзларининг бевосита бурчларини бажаришдан қалгилмоқда. Республика пойтахти экономикаси-

нинг ҳолатига ва маънавий муҳитига салбий таъсир қилмоқда.

Шу йил 19 мартда В. И. Ленин номи майдонда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини рўхсат бермаган митинг уюштирилди. У шаҳарнинг марказий қисмида аҳолини мураккаблаштирди. Жамоат транспортни иши графигига жиддий путур етказди. Совет ва чет эл граждонларига туристик-экскурсия хизмати кўрсатишни барбод қилди. Бу маънавий жиҳатдан ташқари анчагина моддий зарар ҳам етказди. Мазкур тadbир ташкилотчилари айрим масъулиятсиз шахсларнинг безорилигига хатти-ҳаракатларининг олдини ололмадилар. Бу нарсаси оммавий тартибсизликни келтириб чиқариши мумкин эди.

Тошкент шаҳар Совети иж-

роия комитети барча қороналар, ташкилотлар, идоралар ва муассасаларнинг раҳбарларини, шунингдек, жамоатчи тузилмаларнинг раҳбар органларини СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги «СССРда йиғинлашув, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Фармонининг 6-моддасига сўзсиз риоя этилиши ўзасидан, шахсан жавобгар эканлигини огоҳлантириб қўйди. Шаҳар ижроия комитети шаҳарнинг барча меҳнатқилларига, аҳолисида ҳамда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида яшайдиган граждонларга мурожаат қилиб, маҳаллий Советларга социалистик турмуш нормалари ва қондаларида қатъий риоя этишда, шаҳар территорияда яшовчи ҳамма кишиларнинг манфаатларига ҳурмат

билан муносабатда бўлишда ҳар томонлама ёрдам беришга чакирди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тadbирлари ўтказиш тартибига солиш, маҳнатқилларнинг ишдан бўш вақтларини хотирамлик билан ўтказишлари ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлашни таъминлаш, шунингдек, барча тошкентликларнинг манифестацияларидан қилиб чиқиб қарор қабул қилди. Унга қўра, Ўзбекистон пойтахтининг тарихида тартиб топан ёдгорлик ва меъморини марказлари аҳоли дам олишнинг уюштирилган, экскурсия маршрутлари ўтказиш, спорт-қўғилочар тadbирлар амалга оширилди, ёнги очик савдо ва ярмаркалар бўладиган алоҳида муҳофазали зона қилиб бел-

гиланди. В. И. Ленин номи майдон, Халқлар дўстлиги майдони, Инқилоб хибони, Ю. Гагарин номи бог ҳамда уларга туташ проспектар ва магистрал кўчалар шу зонани ташкил қилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган жойларда манифестациялар, шўхлар ижроия комитетининг алоҳида фармойиш ҳамда тархий воқеалар билан болглик алоҳида муҳим тантанали саналар, катта давлат аҳамиятидаги байрамлар муносабати билан ўтказилди. Бошқа оммавий тadbирлар ўтказиш учун шаҳарнинг маҳсул жойлари белгиланди. Уларни ўтказиш мақсадига мувофиқлигини маҳаллий Советлар белгиланган тартибларга ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги Фармонига мувофиқ қўриб чиқариладиган, шу мақсадда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг махсус ишчи комиссияси тузилди. Бу комиссия халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари билан биригилди шу жойларни ободонлаштириш, ижара ҳақи ёссонда улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, шаҳар мулкни муҳофиза қилишнинг бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан конкрет тақдирларни киритди.

РИМ, 4 апрель. (ТАСС). Италияда жанабидеги Фомба вилоя-
тинин Сан-Северо деган жой-
да рүй берган темир йул фа-
локати натижасида 9 киши ха-
ток бўлди ва 20 га яқин киши
жигир жароҳатланди. Жуда кат-
та тезликда кетатган шөхөр
атрофи поездди темир йулдан
дан чиқиб, станциянинг ди-
петчерлик пунктига урилди.
Поезд кутиш зали ва бил-
кассалери жойлаган бино-
хам вайрон қилди. Фалок-
натижалари текширилмоқда.

курашқоддалар. Тўқсонбости қилиб экилган 9 гектар май-дондаги пиёз, 3 гектардаги саримсоқ, 2 гектардаги сабзи ва бошқа экинлар дастлабки озиқлантириш ва ишловден барвақт чиқарилди. Бошқа тadbирлар ҳам амалга оширилмоқда.

К. ОРТИКОВ

РИМ, 4 апрель. (ТАСС). Италияда жанабидеги Фомба вилоя-
тинин Сан-Северо деган жой-
да рүй берган темир йул фа-
локати натижасида 9 киши ха-
ток бўлди ва 20 га яқин киши
жигир жароҳатланди. Жуда кат-
та тезликда кетатган шөхөр
атрофи поездди темир йулдан
дан чиқиб, станциянинг ди-
петчерлик пунктига урилди.
Поезд кутиш зали ва бил-
кассалери жойлаган бино-
хам вайрон қилди. Фалок-
натижалари текширилмоқда.

лардан ишчи ва хизматчилар даромадини кескин табақалаштиришнинг олдини олиш учун шахсий соҳиқ солина-
ди. Баъзи вилоятларда икка-
чилар даромадини ўр-
та даражада 5—8 ба-
вар кўпайиб кетган қисми
аввалкичалар фондн сифа-
да корхоналарда қолдири-
шн назарда тутилган.

Учинчилар, иккаричалар
узоқни кўрмай ўз хара-
чаларини чекаб қўйиша-
ди. Уларнинг қисми
барини чекаган умумий
қариндорликнинг мудар-
тарлар шариоитида юриб,
ўзинча фақат шу кунги
манфаатлари ҳақидагина хо-
шгидиб, корхонанинг узоқ
уддатли манфаатларини
иссба олмайдилар. Улар
сонан мавжуд фондлар им-
ониетларидан фойдаланиш-
га эътибор бериб, келгусида
ўлаб чиқаришни кенгайти-

шала бериди. Бу маблағлар шилаб чиқаришни ривожлантириш фондиди ташкил этилади ҳамда улардан фалат асосий фондларни қўйиштириш ва корхонада техника реконструкциясини ўғзатиш учун фойдаланилади.

Кўриниб турибдики, юқоридagi айтиб ўтилган муаммолар биздаги муаммоларга кунда ҳам ўхшаш. Шунинг учун колхоз, совхоз ва корпорациялар раҳбар мутаассислари хўжалиқ ички тарғиботи ва шилаб чиқариш тасусларини қиссига қиссига холда юқоридagi иш ажрибларини ўз хўжалиқларига жорий қилишлари бойдадан хол бўлмас эди.

И. ЕРМАТОВ,
иқтисод фанларни кандидати.


ви яли ҳосил 1000 тоннадан ошди. Коллективнинг ҳар бири азоси 5 минг сўмдан 10 минггача даромад қилди. Расулов, Н. Ортиқова, Б. Ёкубова шулар жумласидадир.

Сабзавоткорларимиз бу йил ўтган йилдагидан 500 тоннадан кўп маҳсулот етиштириш учун курашмоқдалар. Тўқсонбости қилиб экилган 9 гектар май-дондаги пивз, 3 гектардаги саримсоқ, 2 гектардаги सबзи ва бошқа экинлар дастлабки озик-лантириш ва ишловдан беравқат чиқарилди. Бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

К. ОРТИҚОВ

РИМ, 4 апрель. (ТАСС). Италияда жанабидеги Фомба вилоя-
тинин Сан-Северо деган жой-
да рүй берган темир йул фа-
локати натижасида 9 киши ха-
ток бўлди ва 20 га яқин киши
жигир жароҳатланди. Жуда кат-
та тезликда кетатган шөхөр
атрофи поездди темир йулдан
дан чиқиб, станциянинг ди-
петчерлик пунктига урилди.
Поезд кутиш зали ва бил-
кассалери жойлаган бино-
хам вайрон қилди. Фалок-
натижалари текширилмоқда.

РИМ, 4 апрель. (ТАСС). Италияда жанабидеги Фомба вилоя-
тинин Сан-Северо деган жой-
да рүй берган темир йул фа-
локати натижасида 9 киши ха-
ток бўлди ва 20 га яқин киши
жигир жароҳатланди. Жуда кат-
та тезликда кетатган шөхөр
атрофи поездди темир йулдан
дан чиқиб, станциянинг ди-
петчерлик пунктига урилди.
Поезд кутиш зали ва бил-
кассалери жойлаган бино-
хам вайрон қилди. Фалок-
натижалари текширилмоқда.



● **ҚАРОШ** Тожикистон ва Ўзбекистон республикалари телевидениелари ҳамкорликда тайёрлаган Наврўз байрами эшитиришларини томошабинлар катта қизиқиш билан кўрдилар. Бошқа миллат вакиллари ҳам иштирок этган бу баҳор байрами халқларимиз дўстлигининг ёрқин намоишига айланиб кетди. Суратларда: Ҳисор посёлкасида эъланланган сўнг ўзбекистонликлар курган уйлар; Тожикистон телевидениесининг диктори М. Раҳимова ҳамда Ўзбекистон телевидениеси редактори Д. Ёқубов келин-куёв билан сўхбатлашмоқда.

А. Саматов фотолари.

Ҳамзанинг 100 йиллиги

НОДИР ҲУЖЖАТЛАР МАЖМУАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. Сулаймонов номидаги Қўлбеллар институтининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Нисвон хат ва ижодига тааллуқли 2894 ҳужжатни синчковлик билан ўрганиб, тавсифлаб чиқди. Бу нодир ҳужжатлар мажмуаси уч йилдан иборат бўлиб, сўнгги томга шакл ва мавзу доираси ранг-баранг бўлган ҳужжатлар киритилган.

1911—1929 йилларга оид 195 саккизи рақамдан иборат бўлган 230 ҳужжат тавсифи

кирган ушбу йилнинг умумий ҳажми 263 варқадир. Ҳамзанинг илтимосий фаолиятига доир ҳужжатлар тавсифининг биринчи бўлида берилган бўлиб, ҳажми ва саккизи рақамлари сони жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, бу ҳужжатлар ўзининг қимматлиги билан алоқиди аҳамият касб этади.

Ҳамза томонидан тузилган маориф шўбелари ва мактабларда иқтисодий ишларни юритиш, сайёр ва муқим труппалар тузиш, шунингдек таъқиқот-тарғибот курслари учун тузилган қўлланмалари

ўша даврда катта амалий вазиёсини ўтаган бўлса, ҳозирги кунда Ўрта Осиё халқларининг маданий инқилоб тарихини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Қизил аскарлар ва халқ учун клуб, труппа ва газеталар ташкил қилиш ҳақидаги Ҳамзанинг қайдарли эса олимлар томонидан кам ўрганилган ноб ҳужжатлардир.

Тавсифда «Заҳарли ҳаёт», «Тухматчилар жазоси», «Ким тўғри?», «Бурунги қозилар» каби маълум пьесалари қатори, Ҳамзанинг аён дафтаридан маълумотлар орқали «Қора-

соч билан Олтойхон», «Шилинган интеллигент» ва номлари келтирилмаган қатор бошқа асарлар билан ҳам танишиш мумкин.

Шу ердаги 154-ҳужжат орқали ижодкорнинг биға номаълум, лекин эъланлиги аниқ бўлган икки асари — «Ишчи», «Қизил қон ичинда ёш гадалар» пьесалари ҳақида янги ва қимматли маълумотларга эга бўламиз. Умидворимизки, бу йўлдан асарларнинг қўлбелларини излаб топшиш, уларни илмий истеъмолга киритиш ва кенг халқ оmmasига етказиш — Ҳамзанинг сармаҳсули ижодига бўлган диққат-эътиборни янада кучайтирган бўлур эди.

Б. ВАЛИЕВ.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 31 март фармонида биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғди тарбиялаган кўп болали 330 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени тошпирилди.

(ЎЗТАГ).

ТУШЛИК ВАҚТИДА

М. Горький номида маданият уйи пойтахтининг Октябрь районидagi 3-туғуруқхонада тикувчилик тўғрисида ташкил этилди. Раёно Тулаганова раҳбарлик қилаётган мазкур тўғуруқхонада ушбу муассасанинг 30 нафар ходимаси бичиш-тичишни ўрганмоқда.

Шунингдек, тушлик вақтида бу ерда раёсат группаси фаолият кўрсатмоқда. Шифокорлар бўш вақтларида дуторчилик тўғрисида ҳам қатнашади.

М. ШОҶОСУПОВА.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Юрий Петрович Литвиненкони ишдаги қамчиликларини учун Ўзбекистон ССР Савдо министри вазифасидан озод этди.

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабули бугун — 6 апрель пайшанба кунини соат 17.00 дан бошлаб ўтказилади. Бу сарф меҳнатчиларини жамоатчилик Советининг аъзоси, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н. Турсунматов қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси: Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Бугун футбол бўйича биринчи лига командалари ўртасида СССР 52-чемпионати ўйинлари бошланади

ЯНА «ПАХТАКОР» ЧОРЛАМОҚДА

БУГУН мамлакатимизнинг бир қатор шахарлари — Ку-таваси, Абован, Запорожье, Ростов-Дон, Оржоникидзе, Боку, Ботуми, Краснодар, Тошкент, Олмаотда дастлабки ўйинлар бўлиб ўтади.

Мавсум арасида биз ҳар сафарги ананаларга кўра командалар раҳбарлари, ёки футболчилар билан сўхбатдан қочиб, кўп сонли футбол мухлисларига яхши таниш бўлган СССР спорт мастери Аҳрол Иноятонинг ҳолис фикрларини билмоқчи бўлиб.

— Аҳрол, мана сиз қарийб ўн йил «Пахтакор» сафида ўйнадингиз. Ушбу кезлардаги командамиз ўйинчиларини, унинг услубини мухлислар ҳамон эслашади. Ўзбекистон футболли бугунги кунда орқага чекинганми сир эмас. Мухлислар командамизнинг олий лигага чиқишини интизорлик билан кўтиб, бир неча йилдан бери ниятларига етолмаптилар. Шу босқичдан сизнинг бугунги «Пахтакор» ҳақидаги мулоқозларинингизни билмоқчи эдик.

— Ҳозир иш жойим «Таш-облағ»да бошлиқ ўринбосари бўлса-да, бевосита «Пахтакор»га алоқадорман. Негаки командамизнинг идорамиз отаганида. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. «Пахтакор»нинг қанчадан-қанча ташкилот ва ҳўжаликларга бериштириб қўйишдаи дейсизми? Мана энди «Ташоблағ»га беришди. Менимча, энг аввало бундай номзатли ишларга алоқадор бераман берадиган пайт етиб келди. Ҳозирда мамлакатимизнинг айрим командалари ҳўжалик ҳисобига ўтди ва ўтишга ҳаракат қилмоқда. Келажакда ҳамма клублар ана шундай ҳўжалик ҳисобига ўтиши муайян кўринади. «Пахтакор»да ҳам бунга ҳаракат бўл-япти-ю, лекин дедиллик етишмапти. Менимча, ҳўжалик ҳисобига қанчалик тез ўтишса, шунчалик яхши бўлади.

— Аҳрол, мана бу йил команданинг раҳбарлари ўзгарди. Кубок учун дастлабки ўйинларнинг гувоҳи бўлибди. Сиз команданинг мавсумга тайёр-гарлиги ҳақида нима дея оласиз?



Суратда: катта тренер В. Носов футболчилар билан навбатдаги машғулотда. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ТАШОБЛАСТРАНС» ПАС-САЖИР АВТОТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМА АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКЛАРИ ХУЗУРИДА
ШАХСИЙ АВТОТРАНСПОРТИ БЎЛГАН КИШИ-ЛАР ҲИСОБИГА ПАСАЖИРЛАР ТАШИШ УЧУН

КООПЕРАТИВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

КООПЕРАТИВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗ ШАХСИЙ АВТОТРАНСПОРТИДА ПАСАЖИРЛАР ТАШИШИ ТАКСОМОТОР ХИЗМАТИНИНГ АМАЛДАГИ ТАРИФЛАРИГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Шахсий автотранспорти бўлган область граждaнлари кооперативларга аъзо бўлиб киришлари ва асосий ишдан бўш вақтларида пассажирлар ташишлари мумкин. Кооперативларнинг аъзоларига пассажирлар ташигайлик-лари учун амалдаги Низом ва «Кооперативлар ҳақида»-ги Уставга мувофиқ ҳақ тўланади.

Кооперативларнинг аъзоларига автомобилларни ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишда автопарк-ларнинг мутахассислари томонидан ёрдам берилади.

КООПЕРАТИВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

ОҚҚЎРГОН АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ (АТП) — Оққўрғон райони, Ҳамид Олимжон номидаги колхоз; БЕКОВОД АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Бек-обод шаҳри, Аббосов кўчаси, 226-уй;

БЎКА АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Бўка шаҳри, Магистраль кўчаси, 3-уй.

БЎСТОНЛИҚ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Бўстонлиқ райони, Чорвоқ посёлкаси, АТП.

КАЛИНИН АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Ка-линин райони, Эшонгузар посёлкаси, Қатортол қишлоқ Совети (Тошкент-Термиз автомагистрალი, ГАИ пост).

КЕЛЕС АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Тош-кент райони, Қозоқ Кенгасой посёлкаси, АТП.

ТЎЙТӨПА АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Тўй-тепа шаҳри, Киров кўчаси, 111-уй.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АВТОТРАНСПОРТ ПАР-КИ — Оржоникидзе райони, Свободний посёлкаси, Мир кўчаси;

ЧИРЧИҚ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Чир-чик шаҳри, Октябрь кўчаси, 3-уй.

ПАРКЕНТ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Пар-кент райони, Водник посёлкаси, «Прогресс» совхоз.

ЯНГИЙЎЛ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ — Ян-гийўл шаҳри, Самарканд кўчаси, 43-уй.

ЭЛЕКТРДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ

Ҳатто электр амурулар ва электр симлари ишга яроқли бўлиб, шай турган ҳолатларда ҳам айрим киши-ларнинг электр истиши приборларига бепарворларча му-носабатда бўлиши оқибатида ёнғин келиб чиқиши мум-кин.

Электр истиши приборларини ёнувчан предметлар ў-стига, пардалар, дарпардалар, қоралар, тулғорча ёпиш-тирилган деворлар ва ёгон тўсиқлар яқинида қўйиш, шу-нингдек уларга қараб туришни кичик ёшдаги болаларга буюриб, қолдириб кетиш тақиқланади. Ўйинларини да-молаётганида кўзиб турган дазмолни ёнмайдиغان сопол ёки ёнғи тағлинка қўйиш лозим. Дамоллашгани ту-гатганингиздан сўнг дазмолни ток манбаидан узиб қў-йиш.

Электр чойнак штепселсини ҳам вақтида узиб қўйиш, акс ҳолда суз бўғлиниб, чойнак корпуси эриб кетади ва унга тегиб турган ёнадиган буюмларини куйдиради. Электр пелларни ҳам катта ёнғин хавфини келтириб-чиқаради. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги қондала-рига қатъий риоя қилган ҳолда фақат фабрикада тайёр-ланган печлардангина фойдаланишга рухсат этилади.

ЭЛЕКТР ЕРИТИШ АСВОБЛАРИДАН ФОЙДАЛА-НИШДА:

электр симларини михларга илтиш;
иссиқ қавшарлашса ва изоляциясиз симларни улаш;
симлар устига тулғорча ёпиштириш;
куйган предохранилелларни қўлбола электр пробка би-дан алмаштириш;

электр лампочкаларни қороз ёки материалдан тайёр-ланган абажурлар билан берктиш;
носоз вилкочателлар, розеткалар, патронлар ва электр истиши приборларидан фойдаланиш;
электр симлари ва вилкочателларга кийим-кечаклар ва бошқа буюмларини осниш;
ишлаб турган телевизорлар ва приёмникларни назо-ратсиз қолдириш

ТАҚИҚЛАНАДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КЎНГИЛИ УЧИ УЧИРШ ЖАМИЯТИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ШАХСИЙ ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН ГРАЖДАНЛАР, БОҒ-ТОМОРҚА ШИРКАТЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» қошидаги ЧИРЧИҚ ОЗИҚ-ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ АҲОЛИДАН ОРТИҚЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ

СОТИБ ОЛАДИ

Корхона пунктига янги сабзавот, мевалар, узум, асал ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топ-шириш мумкин.

Корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хом ашёси-ни топирувчи шахслар билан шартномалар тузади. Асал топириган шахсларга асаларини боқши учун ша-кар шарбатини сотиши мумкин. Баҳоси — бир кило-грамми — 55 тийин.

Маҳсулотларини сотиб олиш мавжуд стандартлар ва баҳо-лар бўйича, шартлашувага мувофиқ, чекланмаган миқ-дорда амалга оширилади.

Қабул қилиш — тайёрлов пунктларининг тайёрлов ма-всумидаги иш тартиби соат 9.00 дан 18.00 гача.

Қабул пункти адреси: Чирчиқ шаҳри, Садовая кўча-си, 2-уй.

Чирчиқ озиқ-овқат ишлаб чиқариш комбинати.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРАРО ПАСАЖИР ТАШИШ АВТОБУС ПАРКИ

чекланмаган миқдорда оилавий тантаналарга ва Самарқанд, Ленинобод шаҳар-ларига бир кунлик экскурсия қилиш учун автобус хизматига

БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хизмат ҳақи преискурентга мувофиқ нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан тўланади. Адрес: Оржоникидзе райони, Свободний посёлкаси, Мир кўчаси (49, 21-автобусларнинг «2519-Автоколонна» бекати).

ЭЛЕКТРОН ҚОРОВУЛ

Ўртоқлар, агар сиз ўз квартирангизни қўлфлаб, хо-тиржам ишингизга, дам олишга ёки командировкага ке-тишни истасангиз, замонавий қўриқлаш техника мос-ламалари билан қўрилланган ички ишлар бўлимлари қо-шидаги

ИДОРАДАН ТАШҚАРИ СОҚЧИЛИК БЎЛИМЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МҲУМКИН. Замонавий қўриқлаш техника мосламалари сизнинг квартирангизга бетоналарнинг кириш ҳаракатини ҳақи-даги хабарни ўз вақтида миллион ходимларига еткази-лади. Квартирангизни қўриқлаш учун сизда телефон бўлиши ва идорадан ташқари соқчилик бўлими билан икки то-моннинг ўзаро муносабатларини аниқловчи шартнома тузилиши зарур.

Монтаж ишлари ва мосламалар баҳоси (15—25 сўм) квартира эгаси ҳисобидан тўланади.

Ҳар ойлик қўриқлаш ҳақи 2 сўм 50 тийини ташкил қилади.

Қўриқланаётган квартирадаги буюмларнинг дахлсиз-лиги кафолатланади.

Ўз квартираларда қўриқлаш техникаси воситаларини ўрнатишни хоҳловчи граждaнлар, ариза ёзишлари ва кон-вертга жойлаб, почта орқали йишаётган район ёки ша-ҳар территориясидаги идорадан ташқари соқчилик бў-лимларига юборишлари шарт.

Сизнинг аризангизга биноан соқчилик бўлими ходим-лари сиз учун қулай вақтда квартирангизга келиб, мос-ламаларни қўйиш ўрнини хоҳишингиз бўйича белгилай-дилар, қизиқтирувчи масалалар бўйича қўшимча ту-шунчалар берадилар ва керакли ҳужжатларни расмий-лаштиридилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАР-МАСИ ҚОШИДАГИ ИДОРАДАН ТАШҚАРИ СОҚ-ЧИЛИК БЎЛИМИ.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

27.38 МАИ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

М. Турмушбева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган

«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚСИ АНСАМБЛИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Насиба АБДУЛЛАЕВА

«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон асиянчилар ва қизиқчилар конкурсининг лауреатлари:

Зайнобиддин ЮСУПОВ, Мамасиддиқ ШЕРАЕВлар иштирокида

КОНЦЕРТ

Программани Фотима ИКРОМОВА олиб боради. Билетлар сотилмоқда.

Ўрта Осиё темир йўлининг ЙЎЛ ТЕХНИКА МАКТАБИ Тошкент-пассажир станцияси вагон депоси учун пассажир вагонлари провoдикларини тайёрлайдиган 3 ОИЛК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга 18 дан 45 ёшгача бўлган, ўрта маълумотли (шарт) ва тошкент шаҳри ва Тошкент областида пропис-када турувчи қизлар ва аёллар қабул қилинади.

Ўқиш даврида ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Ўқишда кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топирилади: паспорт, меҳнат дафтарчаси, ўрта маълумот ҳақида-ги аттестат, 4 дона фотосурат (3х4 см.).

Курсларга киришни хоҳловчилардан қуйидаги адр-реса мурожаат қилишларини сўраймиш. Тошкент шаҳ-ри, Фрунзе райони, Парфюмерная кўчаси, 8 уй. 2-ВЧД кадрлар бўлими (11, 32, 40, 45, 50-автобуслар: 14-трол-лейбуснинг «Салор ариги» бекати).

СТРАХОВАНИЕ СУММАСИНИ ИККИ БАРОБАР ОРТТИРИШ МУМКИНИ

ҚОИДАГА БИНОАН, ГРАЖДАНЛАРГА ҚАРАШЛИ БЎЛГАН ҚОРАМОЛ, ОТЛАР ВА ТҲЯЛАР ИККИ ХИЛ ТУРДА МАЖБУРИЙ ВА КЎНГИЛИ СТРАХОВА-НИЕ ҚИЛИНАДИ.

Мажбурий страхование қилишда бу ҳайвонлар давлат харид нархларидан ўз қийматининг 40 проценти ҳажмида страхование қилинади.

Мажбурий страхованиега қўшимча тарада ҳайвонларни кўнгили страхование қилинганда страхование пулини икки баравар кўпайтириш мумкин.



Ҳайвонларни кўнгили страхование қилиш шартнома-лари бир йил муддатга тузилади. Страхование тўловлари ҳайвонларнинг тури ва ёшига боғлиқ бўлади.

Страхование суммаси ҳайвонлар касалликлардан но-буд бўлганда ва ёнғин, портлаш, яшин уриши, янзлаша, суз тоқишни, орфот уриши ёки иссиқлик ўтиши, электр токидан шикастланиш, йиртиқ ҳайвонлар ҳужуми, илон ва бошқа заҳарли ҳашаротлар қачиши ва ҳоказолар на-тижасида ҳалок бўлган ҳолларда тўланади.

Страхованиенинг бу тури тўғрисидаги тулиқ маълумот-ни давлат страхование инспекциясидан ёки страхование агентидан билиб олишингиз мумкин.

Давлат страхование Тошкент область бошқармаси. «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бир-лашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

